DOI: https://doi.org/10.5281/zenodo.7638195 Pages: 813-822



WOMEN IN SUSTAINABLE DEVELOPMENT: SCIENCE AND QUALITY EDUCATION

3RD INTERNATIONAL CONFERENCE



Мамлакатимиз таянчи ва суянчи бўлган ёшларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, энг муҳими уларни сифатли таълим билан қамраб олиш бугунги куннинг энг долзарб масаласи

Xonimov Sharofiddin Bahodirovich
O'zbekiston Milliy universiteti
mustaqil tadqiqotchisi
E-mail: sharofiddin_2017@mail.ru

Kalit so'zlar: yoshlar, siyosat, yoshlarga oid davlat siyosati, normativ-huquqiy asoslar, qonunchilik texnikasi, yurisdiksiya, huquqiy madaniyat, huquqiy ong, huquqiy tarbiya.

Annotatsiya: O'zbekiston yoshlar mamlakati hisoblanadi, aholimizning 60 foiziga yaqinini mazkur qatlam tashkil qiladi.Yoshlar ayniqsa, mamlakatimizda yoshlarga oid davlat siyosati samaradorligini yanada oshirish, yoshlarni buguni kun talabidan kelib chiqib ma'naviy va mafkuraviy jihatdan salohiyatini yuksaltirish hamda ular o'rtasidagi ijtimoiy ma'naviy muhit samaradorligini yanada yaxshilashga qaratilgan ijtimoiy sherikchilik munosabatlari, yoshlarga oid davlat siyosati tushunchasi, uning nazariy-huquqiy asoslari masalalariga alohida to'xtalib o'tilgan.

Shuningdek, bugungi globallashayotgan zamonda makon tushunchasi, yoshlarga oid davlat siyosati yo'nalishida informatsion xurujlarning ahamiyati haqida batafsil to'xtalib o'tilgan. Globallashuv jarayonlari davrida yoshlarning ma'naviy va ijtimoiy qadriyatlariga ta'siri katta ekanligini, yoshlar ma'naviy salohiyatini yuksaltirishning tarixiy bosqichlarida har bir mamlakatning o'z strategik siyosati belgilab olinishi maqolada alohida ilmiy asoslab keltirilgan.

CURRENT PROBLEMS OF TEACHING LATIN IN MEDICAL UNIVERSITIES

Key words: youth, politics, youth state policy, regulatory framework, legislative methods, jurisdiction, legal culture, legal awareness, legal education.

Abstract: This article discusses the issues of social partnership relations aimed at further improving the effectiveness of youth state policy in our country, increasing the spiritual and ideological potential of young people taking into account the requirements of today, as well as further improving the effectiveness of the social spiritual environment between them, the concept of youth state policy, its theoretical and legal foundations.

Also, in today's globalized era, the concept of space, the significance of information attacks in the direction of state youth policy are discussed in detail.

The article provides a special scientific justification for the fact that the influence of youth on spiritual and social values is great during the period of globalization processes, and each country's own strategic policy is determined at the historical stages of increasing the spiritual potential of youth.

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ ПРЕПОДАВАНИЯ ЛАТИНСКОГО ЯЗЫКА В МЕДИЦИНСКИХ ВУЗАХ

Ключевые слова: молодеж, политика, молодежная государственная политика, нормативно-правовые основы, законодателные методы, юрисдиксия, правовая култура, правосознание, правовое образование.

Аннотация: В данной стате рассматриваюця вопросы отношений социалного партнерства, направленные на далнейшее повышение еффективности молодежной государственной политики в нашей стране, повышение духовного и идеологического потенсиала молодежи с учетом требований сегодняшнего дня, а также далнейшее повышение еффективности социалной духовной окружающей среды между ними, консепсия молодежной государственной политики, йее теоретические и правовые основы.

Также в сегодняшнюю глобализированную епоху подробно обсуждаеця понятие пространства, значение информационных атак в направлении государственной молодежной политики.

2021 йил 24 октябрь куни бўлиб ўтган жуда катта сиёсий жараён – Президент сайловида барча юртдошларимиз ўзларининг уюшқоқлиги ва бирдамлигини кўрсатди.

Мазкур жараён демократик ва фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида одимлаб бораётган мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрнини яна бир поғонага ўсиши учун асосий восита бўлиб хизмат қилди, десам муболаға бўлмайди. Буни сиёсий жараённи бевосита Ўзбекистонда бўлиб кузатган

халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатлар кузатувчиларининг ижобий эътирофларини кўриб амин бўлдик.

Маълумот учун: *2021 йил 24 октябрда бўлиб ўтган Президент сайловида 18 та халқаро ташкилот ва 45 та хорижий давлатнинг мингга яқин вакиллари халқаро кузатувчи сифатида қатнашди. Шу билан бирга, 1 минг 700 га яқин маҳаллий ва хорижий журналистлар сайлов жараёнларини бевосита ёритиб борди.*

Куни кеча, яъни жорий йилнинг 6 ноябрь куни Президент сайловида янги сайланган Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг лавозимга киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги нутқини барча ватандошларимиз қизиқиш билан кузатишди.

Ёшлар вакили сифатида Юртбошимизнинг нутқларидаги ёшлар масалаларига эътибор берганимизда **9 маротаба** ёшлар масаласи бўйича фикр билдирилганлигини гувоҳи бўлдик.

Жумладан, Президентимиз ёшларга ишонч билдириб: **“Ёш авлодимизга – менинг ўғил-қизларимга қарата айтмоқчиман: томирларида буюк боболаримизнинг ғайрат-шижоати жўш уриб турган азиз фарзандларим, сизлар Янги Ўзбекистонни барпо этишда доимо олдинги сафда бўласизлар, деб ишонаман”**, – дея таъкидладилар.

Бу ишонч бугунги кунда келажагимиз эгалари бўлган **18 млн. нафар**дан зиёд болаларимиз, ўқувчиларимиз, талабаларимиз, ишчи-хизматчиларимиз, ҳарбийларимиз, умуман барча қатламдаги ёшларимизга қарата айтилиши бизни хурсанд қилиши билан биргаликда катта масъулият ҳам юклайди.

Шунингдек, Ютбошимиз ўз маърузаларида ёшларга эътибор янада кучайтирилиши, бу борада етакчи ташкилот бўлган Ёшлар ишлари агентилиги тизимидаги ишлар жадаллаштирилишини алоҳида эътироф этиб: **“Шу билан бирга, маҳаллаларда ёшлар масалалари билан мунтазам**

шуғулланадиган Ёшлар ишлари агентлигининг вакили ҳам бўлади", деган масалага урғу бердилар.

Бугунги кунда Агентликнинг ташкил топганига кўп бўлмаган бўлса-да, ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда бу борадаги қонунчилик базасини такомиллаштириш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Мисол учун, ўтган беш йиллик даврдаги норматив база инвентаризациядан ўтказилганда жами **196 та** норматив ҳужжатлар, шундан, ёшларга оид **12 та** қонун, **32 та** Фармон, **45 та** Президент қарори, **107 та** Ҳукумат қарори қабул қилинганлигининг ўзи бу соҳадаги ишларнинг қанчалик яхшиланганлигини англатади.

Шу билан бирга, **"Ёшлар билан ишлаш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимчалар киритиш тўғрисида"** Ўзбекистон Республикасининг Қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилиб, амалдаги **4 та** қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 14 сентябрдаги "**Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида**"ги Қонунида ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий принциплари, йўналишлари, бу борадаги давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ваколатлари ва вазифалари белгиланган.

Ёшларга ишлари агентлиги ташкил этилиши ва унинг зиммасига ёшларга оид давлат сиёсатига тааллуқли бир қатор вазифалар белгиланиши муносабати билан бугунги кунда ушбу қонунга тегишли қўшимчалар киритишга зарурат пайдо бўлди.

Шу муносабат билан, қонун лойиҳасида Ёшлар ишлари агентлиги ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги ваколатли давлат органи сифатида белгиланиб, Агентликнинг ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги ваколатлари белгиланмоқда.

Шунингдек, қонун лойиҳаси билан “**Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”**ги Қонуни лойиҳасида Ёшлар ишлари агентлиги ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга ошириш соҳасидаги ваколатлари ва вазифалари, жумладан вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишда фаол иштирок этиш билан боғлиқ ваколати белгиланмоқда.

“Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонунга Ёшлар ишлари агентлиги ва унинг ҳудудий органларининг ёшларнинг ҳуқуқбузарлигига қарши курашишда ваколатли давлат органларига кўмаклашиш билан боғлиқ ваколатлари белгиланмоқда.

Сўнгги ўзгартириш киритилаётган қонун **“Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида”**ги Қонунга Ёшлар ишлари агентлигининг болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш соҳасидаги ваколатлари белгиланмоқда.

Бундан ташқари Президентимиз ўз маърузаларида ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш орқали жиноятчиликка қарши курашиш, айниқса коррупцияга муросасиз муносабатни шакллантиришга даъват қилганлар: **“Лекин ҳаммамиз яхши тушунамизки, коррупция балосига қарши фақат давлат-ҳуқуқий чоралар билангина курашиб бўлмайди. Бунинг учун бутун жамиятимизда, аввало, ёшлар онгида бу иллатга қарши муросасиз муносабатни шакллантириш, барча соғлом кучларни бирлаштириш ҳал қилувчи аҳамиятга эга”**.

Бугунги кунда ёшларга оид давлат сиёсатини самарали амалга оширишнинг энг асосий йўналишларидан бири ёшларнинг бандлигини таъминлаш бўлиб, бу борада тизимли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Тегишли ташкилотлар, вазирликлар ва ҳокимликлар билан ҳамкорликда ишсиз ёшлар ўрганилди ҳамда маҳаллабай **“Ёшлар баланси”** шакллантирилди.

Унда **607 минг 148 нафар** иш билан банд бўлмаган ёки уюшмаган ёшлар мавжуд эканлиги аниқланган ҳамда уларнинг бандлигини таъминлашни электрон платформа орқали кузатиб бориш учун **“Ёшлар дафтари”** тизими йўлга қўйилди ҳамда мазкур ёшларнинг барчаси ушбу электрон платформага киритилди.

Касб-ҳунар ўргатиш, имтиёзли кредитлар, ер майдонлари ва субсидиялар ажратиш ҳамда ижтимоий-моддий қўллаб-қувватлаш натижасида **579 минг 836 нафар** (95,5 фоиз) ёшлар бандлиги таъминланди, **27 минг 312 нафар** имконияти чекланган ва тиббий ёрдамга муҳтож ёшлар доимий назоратга олинди.

Ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида туман (шаҳар)ларда молиявий манбалари аниқ белгиланган **“Ёшлар дафтари” жамғармалари** ташкил этилиб, ишсиз ёшларга асбоб-ускуна, меҳнат қуроллари, уруғлик ва кўчат харид қилиш учун субсидиялар ажратиш, нотуражойлар ижараси ва бошқа йўналишларда **126 минг нафар** ёшларга **256 млрд**. сўм миқдорда амалий ёрдам кўрсатилди.

Ёшларнинг муаммолари, таклиф ва истакларини “маҳаллабай” ўрганиш ҳамда ҳал этиш бўйича вазирлик ва идоралар, секторлар раҳбарлари томонидан **1 минг 650 маротаба** очиқ мулоқотлар ўтказилиб, **71 мингга яқин** ёшлар томонидан кўтарилган муаммо ва таклифлар ҳал этилди.

Деҳқончилик қилиш истагида бўлган **424 минг нафар** *(шундан, 208 минг нафари “Ёшлар дафтари”га киритилган)* ёшларга илк маротаба 127 минг гектар экин майдонлари ажратилиб, **681 мингга яқин** иш ўринлари яратилди.

Муҳтарам Президентимиз мазкур йўналишдаги ишларни давомли тарзда амалга оширилишини таъкидлаб: “**Аҳоли бандлигини таъминлаш, ёшлар ва ишсиз фуқароларни давлат ҳисобидан малакали касб-ҳунарга ўқитиш, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, эҳтиёжманд аҳолини манзилли қўллаб-қувватлаш орқали 2026 йилгача**

камбағалликни икки баробар қисқартириш кўзда тутилмоқда", – дея таъкидладилар.

Порлоқ келажакни билимли ёшлар билан қурамиз. Бу борада Президентимизнинг: **"Юртимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этиш учун бизга замонавий илм ва яна бир бор илм, тарбия ва яна бир бор тарбия керак. Бугунги ва эртанги кунимизни, ёшларимиз тақдирини ҳал қиладиган юксак малакали муаллим ва мураббийлар, профессор-ўқитувчилар, ҳақиқий зиёлилар керак"**, – деган чақириқлари доимо ёдимизда бўлади.

Ёшларнинг таълим олишлари учун тегишли шарт-шароитлар яратиш, бу борада уларни қўллаб-қувватлаш борасида Агентлик томонидан қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда.

Жорий йилнинг 27 июнь куни Ташкент Ситй Парк боғида ўқувчи ёшларни мантиқий ва ижодий фикрлаш, фотографик хотираларини ривожлантириш ҳамда математика фанига қизиқишларини ошириш мақсадида **"Ментал арифметика"** бўйича тўртинчи Республика мусобақаси ташкил этилди. **700 нафар**дан ортиқ ўқувчи-ёшлар ўртасида ўтказилган ушбу мусобақа иштирокчиларнинг билим, кўникма ва тажрибаларини ривожлантиришга кўмаклашди.

Олий таълим муассасаларидаги иқтидорли талабаларни аниқлаш, уларнинг ўз салоҳиятларини намоён этишларига имкониятлар яратиш, жамоатчилик фидойилик фазилатларини шакллантириш, талабалик нуфузини ошириш ҳамда рағбатлантириш мақсадида **"Йилнинг энг фаол ёшлар етакчиси", "Интеллектуал ўйинлар" ҳафталиги, "Талаба ёшлар фестивали" танловлари** ўтказилди. Мазкур кўрик-танловларда иштирок этган **1 500 нафар**дан ортиқ олий таълим муассасалари талабалари ўзининг ижтимоий фаоллиги ҳамда билим ва тажрибалари оширилди.

900 нафар ёшлар иштирокида хорижий тилларни ўрганишни тарғиб этишга оид **"Исҳоқхон Ибрат тиллар оромгоҳи"** ташкил этилди. Мазкур оромгоҳда ёшларнинг инглиз, ўзбек, рус, немис, француз, испан, корейс,

хитой ва япон тиллари бўйича малакасини ошириш шунингдек, жамоа билан ишлаш кўникмаларини ривожлантириш ҳамда медиа саводхонлигини ошириш каби ишлар амалга оширилди.

Мамлакатимизда илк бор **5 та** халқаро имтиҳон тизими (IELTS, TOEFL, GMAT, GRE, SAT) бўйича компенсациялар 1 майдан бошлаб тўлаб бериш тизими йўлга қўйилди.

Бугунги кунга қадар, мазкур халқаро имтиҳон тизимларидан юқори балл олган жами **2 121 нафар** ёшларнинг жами **3 906,7 млн. сўм** миқдоридаги имтиҳон харажатлари Агентлик томонидан тўлиқ қоплаб берилди. Шунингдек, 2022 йил 1 январдан бошлаб яна **13 та** турдаги халқаро имтиҳонлардан юқори балл олган ёшларнинг имтиҳон харажатларини қоплаб бериш режалаштирилган.

Шунингдек, ёшларимиз ичидаги имконияти чекланган, ногиронлиги бўлганлари ижтимоий ҳимояга муҳтож ёшларимизни алоҳида қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамиятга қўшилиб кетишига кўмаклашиш борасидаги ишларни жадаллаштириш масаласиҳам Агентликнинг доимий нуқтаи назарида.

Олий таълим муассасаларида тўлов-шартнома асосида таҳсил олаётган чин етим, ота-онаси ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилган ва Меҳрибонлик уйида тарбияланган талабалар ҳамда ногиронлиги бўлган ёшлар учун **“Ёшлар таълим гранти”** лойиҳаси эълон қилиб борилмоқда.

Лойиҳа доирасида ўтган беш йиллик даврда ижтимоий ҳимояга муҳтож **729 нафар** талабаларнинг **2 млрд 100 млн** сўмлик тўлов шартнома маблағлари беғараз тўлаб берилди.

Агентлик томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳардаги “Ёшлар марказ”лари қошида **10 дан ортиқ ижтимоий хизматлар**ни қамраб олган **“Инлкюзив марказлар”** фаолияти йўлга қўйилдб. Шу мақсадда, **2 млрд сўм** маблағ ажратилди.

Ногиронлиги бўлган ёшларни сифатли олий таълим билан қамраб олиш, “Ай-ти” соҳасига бўлган қизиқишларини қўллаб-қувватлаш, уларни

замонавий касбларни эгаллашига кўмаклашиш мақсадида **“Имкон” грант лойиҳаси** эълон қилинди.

Ўтган қисқа фурсат ичида **400 нафар**га яқин талабгор ушбу лойиҳада таълим олиб, бугунги кунга қадар уларнинг **132 нафар** ногиронлиги бўлган ёшларнинг “СММ” ҳамда “График дизайн” йўналишларида бандлиги таъминланди.

Мазкур ишларнинг самарадорлигини ошириш чоралари кўрилмоқда. Зеро, Президентимизнинг: **“Меҳрибонлик уйлари” ва махсус мактаб-интернатларда яшаётган болаларни оилага яқин муҳитда, билимли ва касб-ҳунарли этиб тарбиялаш учун “Меҳр дафтари” доирасида бошлаган ишларни изчил давом эттириш барчамизнинг бурчимиздир”**, – деган топшириқларининг ижроси учун энг аввало Агентлик ташаббускор бўлади.

Шунингдек, Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг лавозимга киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги нутқида ёшлар масаласида қуйидаги фикрларини эслаймиз:

“Навқирон ёшларимизни, айниқса, қизларимизни соғлом ва етук этиб тарбиялаш, уларнинг қобилият ва истеъдодини рўёбга чиқариш, Ватанга муҳаббат ва садоқат, миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида камол топтириш бундан буён ҳам эътиборимиз марказида бўлади.

Муқаддас ислом динимизнинг инсонпарварлик ғояларини тарғиб этиш, **“жаҳолатга қарши – маърифат”** тамойили асосида униб-ўсиб келаётган ёшларимизни соғлом эътиқод руҳида тарбиялашга алоҳида аҳамият берамиз.

Сиз, қадрли ватандошларимнинг чин дилдан қўллаб-қувватлашингиз, нуроний отахон ва онахонларимизнинг дуолари, азиз ёшларимизнинг ишончи менга катта куч-ғайрат беради. Шу боис сизлар билан, халқимиз билан бирга меҳнат қилишдан ҳеч қачон чарчамайман”.

Хулоса сифатида Муҳтарам Юртбошимиз бошчилигида ёшларга шунчалик кенг имкониятлар ва шарт-шароитлар яратилаяпти экан, бунга

жавобан келажагимиз эгалари кучли, билимли, салоҳиятли ва энг ривожланган мамлакатлар ёшлари билан ҳам ҳар томонлама рақобатлаша оладиган кадрлар бўлиш етишишлари учун ҳаракат қилишлари керак ва бунинг учун Ёшлар ишлари агентлиги чин маънода ёшларнинг суянчиғи, ёрдамчиси ва етакловчиси бўлиш чора-тадбирларини мунтазам ва тизимли равишда амалга ошириб боради.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO‘YXATI

[1]. Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлигининг 2022 йилги ҳисоботларидан.

[2]. httpshttps://president.uz/uz

[3]. Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини тубдан ислоҳ қилиш ва янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисидаги ПФ-6017-сон Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони.

[4]. Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги ПҚ-92-сон Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори, 19.01.2022 йил.

[5]. Ўзбекистон республикаси Марказий сайлов комиссиясининг йиллик ҳисоботларидан олинган.